Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан 1994 йил Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда катта тантаналар ва халкаро илмий анжуманлар ўтказилди. Парижда хам ЮНЕСКО карори билан учрашувлар ва конференциялар бўлиб ўтди. Улугбек 1394 йилнинг март ойида Эроннинг гарбидаги Султония шахрида, бобоси Темурнинг харбий юриши пайтида тугидди. У Шохрух Мирзонинг тўнгич ўгли бўлиб, унга Мухаммад Тарагай исми берилган, лекин болалигидаёк у Улугбек деб атала бошлаб, бу исм кейинчалик унинг асосий исми бўлиб колди.

Улугбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг харбий юришларида ўтди. 1405 йил Хитойга килинаётган юриш бошида Темур вафот этгач, икки йил давомида унинг авлодлари ўртасида тахт учун кураш давом этди ва бу курашда Темурнинг кенжа ўгли Шохрухнинг кўли баланд кедди. Лекин Шохрух ўзига пойтахт килиб Хиротни танлаб, Мовароуннахр пойтахти Самаркандни эса ўгли Улугбекка топширди. Шундай бўлса хам Шохрух Эрон ва Туроннинг ягона хокони деб хисобланарди.

Шохрух тўнгич ўгли Улугбекни 1411 йили Мовароуннахр ва Туркистоннинг хокими этиб тайинлайди. Улугбек 17 ёшида хоким бўлиб, бобосидан фаркли ўларок харбий юришлар билан кизикмас, кўпрок илм-фанга мойил эди. Афсуски, Улугбекнинг бошлангич маълумоти ва мураббий хамда устозлари хакида аник маълумот сакланмаган. Улугбек болалик йилларида бувиси Сароймулкхоним тарбиясида бўлган. Албатта биз бу аёл ўзининг севимли набирасига ўкув-ёзувни ўргатгани хамда тарихий мавзудаги хикоя ва эртакларни сўйлаб берганлигини тахмин килишимиз мумкин. 1405—1411 йилларда амир Шох Малик ёш мирзонинг отабеги бўлган. Лекин у Улугбекка асосан харбий ва сиёсий тарбия бера олиши мумкин эди.

Улугбекнинг устозларидан бири мунажжим Мавлоно Ахмад бўлганлигини тахмин килиш мумкин, чунки бу киши Темурнинг саройидаги энг йирик олимлардан бўлиб, сайёраларнинг келажак икки юз йиллик таквимлари жадвалларини туза олган. Лекин Улугбекнинг ўзи кейинчалик асосий асари бўлммш «Зиж»ида факат козизода Румийни «устозим» деб атайди. Хакикатан хам козизода 1360 йилларда тугилган бўлиб, 20-25 ёшларида, яъни Улугбек тугилмасиданок Темурнинг сарфига ўтади. Натижада Улугбек умрининг илк давриданок Мавлоно Ахмад ва козизода Румий каби астроном ва математиклар таъсирида улгаяди. Шу сабабли унинг хаётида аник файл ар мухим ахамият касб этади.

Улугбек йигирма ёшларида ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб, унинг хокимлиги давридаги мухим янгиликлар бутун Ўрта аср маданияти тарихида улкан ахамият касб этди. Улугбекнинг ходи-ми бўлмиш гиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарканддан Кошонга отасига ёзган мактубида Улугбекнинг фаолияти ва билимдонлигини куйидагича таърифлайди: «Аллохга ва унинг неъматларига шукроналар бўлсунким, етти иклимнинг фармонбардори, Ислом подшохи (яъни Улугбек — А. А.) донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўк. Хакикат шуки, аввало у киши куръони каримнинг аксарият кисмини ёддан била-дилар. Тафсирларни ва муфассирларнинг хар бир оят хакидаги сўзларини аклда саклайдилар ва ёддан биладилар ва арабчада гоят яхши ёзадилар. Шунингдек, у киши фикхцан анча хабардорлар, мантик маъноларининг баёни ва усулларидан хам хабардорлар.

У киши риёзиёт фанининг барча тармокларини мукаммал эгаллаган ва шундай жиддий

махорат кўрсатганларки, кунлардан бир куни отда кетаётиб, 818 йил ражаб ойининг ўнинчи ва ўн бешинчи кунлари орасидаги (мелодий 1415 йил 15-20 сентябр) душанба куни йил мавсумининг кайси кунига муносиб келишини аниклашни айтадилар. Шунга кўра отда кетаётиб, хаёлий хисоб билан куёшнинг таквими ўша куни бир даража ва икки дакика эканлигини топтилар. Кейин отдан тушгач, хисоб тўгрилигини бу бандаи бечорадан (Кошийдан — А. А.) сўраб, аниклаб олдилар.
Хакикатан хам, хаёлий хисобда кўп микдорларни ёдда тутмок ва бошка микдорларни буларга асосланиб топмок керак. Лекин инсоннинг ёдлаш куввати заифдир ва у даража дакикаларини у кадар аник гополмайди. Инсон бино бўлганидан бери шу кунгача хали хеч кимса бу кадар аник хисоблай олмаган эди.
Киска килиб айтмокчиманки, у киши бу фан сохасида гоят катта махоратга эришганлар, юлдузшуносликка тааллукли амалларни яхши бажарадилар ва чукур далиллар билан худди керагидек исботлайдилар. «Тазкира» ва «Тухфа» дан шу кадар зўр даре ўтадиларки, уларга кеч кандай кўшимча килишнинг хожати колмайди».
Улугбекнинг илмга кизикканлиги ва мамлакатнинг равнакини кўзлаганлиги туфайли янги усулдаги билим юрти — мактаб ва мадрасалар барпо килишга карор килиб, деярли бир вактнинг ўзида Самарканд, Бухоро ва гиждувонда учта Мадраса барпо этади. Самарканддаги Мадраса курилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда нихоясига етказилади. Тез орада Улугбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тарика унинг Самарканддаги астрономик мактаби шаклланади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларига кулай шароит ва панох излаб Темур давридаёк Самаркандга келган Тафтазоний, Мавлоно Ахмад ва козизода Румий каби олимлар эди. козизоданинг маслахати билан Улугбек Хуросоннинг Кошон шахридан Гиёсиддин Жамшид Кошийни чакиртиради. Самаркандга Мовароуннахрнинг турли шахарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони, 1417 йилга келиб 100 дан ортиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, рассомлар, меъморлар бор эди. Пекин астрономия ва математика сохасидаги олимлар шарафлирок ва обрўлирок эди. Улар орасида Козизода билан Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар.
1420 йили Самарканд мадрасасининг тантанали очилиши бўлади. Зайниддин Восифий «Бадоиъ ул-вакоиъ» китобида айтишича, биринчи мударрис этиб мавлоно Шамсуддин Мухаммад Хавафий тайинланади. Мадрасада асосий маърузаларни Козизода, Улугбек, Коший ва кейинрок Али Кушчи ўкийдилар.
Улугбек барпо этган Самарканд мадрасаси ва илмий тўгараги Шарк маданияти ва фани тарихида улкан ахамият касб этди, мамлакат равнакига, шунингдек, кўп халкларнинг маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бу ерда кўплаб буюк сиймолар шаклланди. Жумладан, Хуросоннинг Жом шахрида 1414 йили тугилган бўлажак шоир Жомий Улугбекнинг Самарканд мадрасасида тахсил кўрди. Бу ерда у Козизода, Улугбек ва Али Кушчи каби улкан олимларнинг маърузаларини эшитди ва уларнинг тарбиясида бўлди.
Улугбек атрофида тўпланган Самарканд олимлари катта ахамият берган энг мухим илмий йўналишлардан бири астрономия фани эди. Исломдаги энг аввалги астрономик асарлар «Зиж» деб аталиб, улар асосан жадваллардан иборат бўлган. Улугбекдан аввал ёзилган энг мукаммал «зиж»лар Берунийнинг «конуни Масъудий»си ва Насриддин Тусийнинг 1256 йили ёзиб, Хулашхонга такдим этган «Зижи Элхоний» асари эди. XV аср бошларида ёзилиб, Шохрухга аталган Жамшид Кошийнинг «Зижи Хоконий» асари асосан хитой ва мўгул анъаналарига асосланган бўлиб, ислом мамлакатлари учун деярли

ахамиятга эга эмас ва илмий жихатдан хам анча сайёз эди. Мовароуннахрда эса мўгул истилосидан кейин бирорта «зиж» ёзилмаган эди. Ана шу сабабларга кўра Улугбек энг аввало астрономик изланишларни йўлга кўйиши, бунинг учун расадхона барпо этиши керак эди. Бу хакда Абу Тохирхўжа бундай хабар килади: «Мадрасага асос солинганидан тўрт йил кейин Мирзо Улугбек козизода Румий, Мавлоно гиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муиниддин Кошонийлар билан маслахатлашиб, Кўхак тепалигида Оби Рахмат аригининг бўйича расадхона биносини курдиради. Унинг атрофида эса баланд хужралар барпо этади».
Расадхона курилиши 1424 йилдан 1429 йилгача давом этади. Расадхона битиши билан астрономик кузатишлар бошланиб кетади. Расадхона билан мадрасанинг биргаликдаги фаолияти Улугбек илмий мактабида астрономия ва математикани Ўрта асрлар даврида энг юкори погонага кўтариш имконини берди.

Давлат ишлари билан боглик бўлган юриш-кўчишлар, расадхонадаги кузатишлар ва мадрасадаги дарслар, ундан ташкари илмий ишларга умумий рахбарлик килиш хам Улугбекнинг кўп вактини олади. Шунинг учун бўлса керак, бевосита Улугбек номи билан боглик илмий асарлар сони жихатдан кўп эмас — улар тўртта.
Улугбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машхури унинг «Зиж»и бўлиб, бу асар «Зижи Улугбек», «Зижи жадиди Гурагоний» деб хам аталади. «Зиж»дан ташкари унинг математик асари «Бир даража синусини аниклаш хакида рисола», астрономияга оид «Рисолайи Улугбек» (ягона нусхаси Хиндистонда, Алигарх университета кутубхонасида сакланади) ва тарихга дойр «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асаридир.
Улугбек «Зиж»и ўз таркибига кўра VIII-IX асрларда бошланган астрономик анъанани давом эттирса хам илмий даражаси уларга нисбатан бекиёс баланддир. Бу асар икки кисмдан: кенг мукаддима ва 1018 собита юлдузнинг ўрни ва холати аниклаб берилган жадваллардан иборат бўлиб, мукаддиманинг ўзи мустакил тўрт кисмни ташкил килади. Мукаддиманинг бошида куръондан юлдузлар ва сайёраларга тааллукли оятлар келтирилади. Улугбек бу билан астрономик кузатишларнинг зарурлигини гоявий асосламокчи бўлади. Мукаддиманинг кейинги кисмида Улугбек ушбу сўзларни битган: «Сўнг, парвардигор бандаларининг факиру хакири, улардан Аллохга энг интилувчиси Улугбек ибни Шохрух ибни Темур Кўрагон бундай дейди...». Бу сўзлардан кўринадики, «Зиж»нинг муаллифи Улугбекнинг ўзи бўлган. Бирок бу ишда унга ёрдам берганларни Улугбек куйидаги сўзлар билан одилона такдирлайди: «Ишнинг бошланиши олимлар алломаси, камолот ва хикмат байрогини ўрнатган, тахлил ва тахкик маслакида бўлган козизода Румий деб шухрат козонмиш жаноби хазрат Мавлоно Салох ал-милла ваддин Мусонинг, унга рахмат ва кафронлар бўлсун, ва хазрат Мавлонои Аъзам, оламдаги хукамоларнинг ифтихори, кадимги билимларда мукаммал, масалалар мушкилотларини хал этувчи Мавлоно гиёс ал-милла ваддин Жамшид, Аллохтаоло унинг кабрини салкин килсун, иккисининг кўллаши ва ёрдамида бўлди...
Ахвол бошида хазрат Мавлоно мархум гиёсиддин Жамшид: «Ажи-бу доъи Аллох» чакиригини эшитиб, тоат билан ижобат этди ва бу жахон дорулгурурдан у жахон дорулсурурга рихлат этди. Иш асноси-да, хали бу мухим асар бажарилиб тугатилмасидан, хазрат устоз козизода, Аллох таоло уни рахмат килсин, парвардигор рахматига пайваста бўлди.
Бирок фарзанди аржуманд Али ибни Мухаммад Кушчи болалик йилларидан фанлар

сохасида илгорлаб боради ва унинг тармоклари билан машгул. Умид ва ишонч комилки, унинг шухрати иншооллох, якин замон ва тез онларда жахон атрофлари ва мамлакатларга таркала-ди. Ва бу мухим китоб тамомила ёзилиб бўлди. Юлдузларнинг сифатларидан кузатилган барча нарсалар имтихон килиниб, бу китобга киритилиб собит этидди».

Бу келтирилган катта парчадан кўринадики, козизода Улугбекнинг устози бўлган ва «Зиж»нинг анча кисми унинг иштирокида ёзилган. Бундан яна шу нарса кўринадики, Улугбек Самарканддаги яна бир йирик олим Жамшид Кошийни устоз демайди, балки унинг ёши Румийдан катта бўлгани учун Мавлонойи Аъзам дейиш билан чекланади. Хакикатан хам, у киши Самаркандга 1416 йили, яъни Улугбек 22 яшар навкирон йигит ва олим сифатида танилганда келади ва у расадхонадаги кузатишлар бошланиши биланок вафот этади. Бирок фан тарихидан шу нарса маълумки, Коший «Зиж»нинг назарий кисмини араб тилига таржима этган ва хозир бу таржиманинг нусхалари мавжуд. Демак, бундан кўринадики, Улугбек аввал «Зижжинг назарий кисмини ёзган, сўнг жадвал кисми узок кузатишлар натижасида тузилган. Коший эса назарий кисм ёзилиши билан уни арабчага агдарган ва жадваллар устида ишлар бошланишида вафот этган.

Яна бир диккатга сазовор нарса, бу Улугбек Али Кушчини «фарзанди аржуманд» дейишидир. Аслида Али Кушчи унинг фарзанди эмас, шогирди бўлиб, илм сохасида устозига Абдуллатиф ва Абдулазизлардан, яъни ўз фарзандларидан хам содик ва вафодор эди. Шунинг учун хам Улугбек унга ўз ўглидек карар эди ва унинг ёрдами билан «Зиж»-ни фарзанди аржуманд Али ибн Мухаммад Кушчи... иттифоклигида» поёнига етказди.

Энди «Зиж»нинг мазмуни хакида тўхталайлик. Асарнинг биринчи — «Таърих, яъни хронологиянинг маърифати» деб номланган маколаси (китоби) етти бобдан иборат бўлиб, у эралар ва календар масалаларига багишланган. Бу бобларда исломда кўлланиладиган асосий эра — хижрий эра, сурёний-юноний эра, «жалолий» эра, хитой ва уйгур эраси, форсий-кадимий эра ва бу эраларда келтирилган саналарни биридан бирига мослаштириб кўчириш хамда бу эралардаги машхур кунлар хакида бахс юритилади. Бундан ташкари ушбу маколада туркий мучал йиллари хакида хам муфассал баён этилади.

Иккинчи — «Вактлар ва унга тааллуклик нимарсалар» деб номланган макола 22 бобдан иборат. У асосан математика ва сферик астрономия масалаларига багишланган. Иккинчи ва учинчи бобларда ўрта асрлар учун энг аник бўлган синуслар ва тангенслар жадваллари келтирилади. Маколанинг тўртинчи бобида Улугбек эклиптиканинг (фалак ул-бурж) осмон экваторига (муьаддал уннахор) огиш бурчагининг микдорини келтиради. Бу хакда у бундай дейди: «Бизнинг кузатишимизча, энг катта огиш (яъни эклиптиканинг осмон экваторига огиши) бурчагини йигирма уч даража ўттиз дакика ўн етти сония топдик». Улугбек топган бу микдор ўрта асрлар даври учун анча аник эди. Шуни хам айтиш керакки, бу бурчакнинг микдори барча давр астрономлари учун катта ахамиятга эга эди, чунки ёритгичлар ва яшаш жойларининг аник координатларини топиш шу бурчак микдорига боглик эди.

«Зиж»нинг учинчи маколаси 13 бобдан иборат бўлиб, факат астрономия масалаларига багишланган. Бунда куёш, Ой ва беш сайёра-минг харакатлари хакида бахс юритилади. Асарда келтирилган жадвалларнинг аксарияти шу маколага тааллуклидир. Бу жадваллар орасида энг ахамиятга эга бўлгани 13-бобда келтирилган ва «Тургун юлдузларнинг узунлама ва кенглама бўйича холатларини аниклаш» деб аталган

юлдузлар жадвалидир. Улугбек «Зиж»ининг бошка «зиж»-лардан фаркини кўрсатиш учун шу ерда мазкур жадвал бошидаги унинг сўзларини келтирамиз. У айтади: «Птолемейгача бўлган астрономлар бир минг йигирма икки юлдузнинг холатини аникладилар. Птолемей эса уларни олтита катталик бўйича тартиблаб, ўз «Алма-жистий»сида келтирди. Уларнинг энг каттаси — биринчи катталик-да, энг кичиги эса олтинчя катталикдадир. Хар бир катталикни у уч кисмга ажратди. Уларни бир-биридан фарк килиш учун кирк саккиз юлдуз туркумига жойлаштирди. Уларнинг йигирма биттаси фалак ул-бурждан (эклиптика) шимолда, ўн иккитаси фалак ул-буржда ва ўн бештаси фалак ул-бурждан жанубда жойлашади. Бу юлдузлардан айримлари шу юлдуз туркумларининг ўзида, айримлари эса туркумдан ташкарида жойлашади. Бу кейингиларни юлдуз туркумларининг ташки юлдузлари деб хисобланади.
Абдурахмон Сўфий тургун юлдузларни аниклаш тўгрисида махсус китоб ёзган, барча кишилар унга мурожаат киладилар ва уни кабул зтадилар.
Биз эса юлдузларнинг осмон куррасидаги холатини кузатишимизга кадар улар хакида Абдурахмоннинг китобидагига асосланардик. Бирок ўзимизда кузатганимиздан кейин баъзи юлдузларнинг холати унинг китобидагига мое келмаслигини кўрдик. Аллох бизнинг кузатишларимизга таовун берганидан сўнг, бу юлдузлар ва бошка юлдузларнинг холатлари Абдурахмоннинг айтганига зид эканлигининг шохиди бўлдик. Биз бу юлдузларни ўз кузатишимизга мос келган холда куррага жойлаштирганимизда эса кузатганимизга хеч зид келмаганлигини кўрдик. Биз бунга имонмиз. Биз барча юлдуз гуркумларидаги юлдузларни кузатдик. Лекин бундай йигирма етти юлдуз мустасно, чунки уларнинг жанубий масофаларининг катталиги туфайли улар Самаркандда кўринмасди. Бу Самаркандда кўринмайдиган юлдузлардан еттитаси Мижмара («курбонгох») юлдуз туркумидан, саккизтаси Сафина («Кема») туркумидан — булар 36-нчи юлдуздан 41-нчигача ва 44,45-юддузлар; ўн биттаси Кентаврус («Кентавр») туркумидан — булар 27-нчидан охиригача ва яна битта Сабъ («Хайвон») юлдуз туркумидан — бу 10- нчи юлдуз.
Шу йигирма етти юлдузни биз китобимизга Абдурахмон Сўфий санаси билан келтирамиз. колган саккиз юлдуз хакида Абдурахмон Сўфий ўз китобида уларни Птолемей курган ерда хеч кандай юлдуз топмаганлигини айтган. Биз хам хар канча харакат килсак-да, ўша жойларда хеч кандай юлдузни топмадик. Шунинг учун биз хам у саккиз юлдузни бу китобимизда келтирмаймиз. Бу юлдузлар Мумоик ал-аинна («Жилов ушловчи»)нинг 14-нчи, Субънинг 11-нчи юлдузи ва Хутдан ташкарида, жанубдаги олтита юлдуздир».
Келтирилган парчадан кўринадики, Улугбекнинг юлдузлар жадва-ли ўрта асрлар давридаги энг нодир ва мукаммал жадвал бўлган. Бу парча Улугбек расадхонасида юлдузлар глобуси ясалган, деган хул осага хам олиб келади.
«Зиж»нинг охирги — «Юлдузларнинг доимий харакати» деб номланган тўртинчи маколаси икки бобдан иборат ва у асосан илми нужумга багишланган.
Улугбек «Зиж»и ўрта асрлардаги энг мукаммал астрономик асар бўлиб, тезда замондошларининг диккатини ўзига жалб этди. Энг аввал бу асар Самаркандда Улугбек атрофида тўпланган олимлар ижодига таъсир кўрсатди. «Зиж»ни ўрганиш шуни кўрсатадики, у асосан амалий кўлланишга мўлжалланган бўлиб, назарий масалаларни баён этишни Улугбек олдига максад килиб кўймаган. Шунинг учун бўлса керак, «Зиж»ни биринчи бўлиб Самарканд олимларининг ўзи, хусусан Али Кушчи шархлайди. Ундан кейинги шархларни Мирам Чалабий ва Хусайн Биржандийлар ёзади.
1449 йили Улугбекнинг фожиали халокатидан сўнг Самарканд олимлари аста-секин

Якин ва Ўрта Шарк мамлакатлари бўйлаб таркалиб кетадилар. Улар ўзлари борган ерларга Самарканд олимларининг ютукларини ва «Зиж»нинг нусхаларини хам етказадилар. Хусусан Али Кушчи 1473 йили Истамбулга бориб, у ерда расадхона куради. Шу тарика Улугбек «Зиж»и Туркияда таркалади ва Туркия оркали Оврўпо мамлакатларига хам етиб боради.
Хозирги кундаги маълумотларга кўра «Зиж»нинг 100 га якин форсий нусхаси ва 15 дан ортик арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрларда ёзилган хеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавий ва кенг маълум бўлмаган. «Зиж» мусулмон мамлакатларинингдеярли барчасида ўрганилган ва шархланган. Уни шархланган олимлардан куйидагиларнинг номларини эслатиш мумкин: Шамсиддин Мухаммад ибни Абул Фатх ас-Сўфий ал-Мисрий (ваф. тах. 1495), Абулкодир ибни Рўёний Лахижий (ваф. 1519), Мирам Чалабий (ваф. 1525), Абдулали Биржандий (ваф. 1525), гиёсиддин Шерозий (ваф. 1542).
Улугбек «Зиж»и айникса Щиндистон олимларига кучли таъсир кўрсатди. Самарканд олимларининг илмий анъаналарини Щиндистонга Бобурнинг ўзи етказган деган маълумот бор. Бобурнинг ворислари утмишдаги шохларга ўхшаб атрофларига олимларни тўплайдилар ва уларнинг илмий изланишларига шароит яратадилар. Хинд олимлари кўп тарафдан Самарканд олимларига таклид киладилар. Масалан, Шох Жахон замонида Лахор ва Дехлида ишлаган Фаридиддин Масъуд ал-Дехлавий (ваф. 1629) «Зижи Шох Жахоний» номли асар ёзади: ундаги макола ва бобларнинг сони худди Улугбек «Зиж»идагидек ва жадвалларнинг хам кўп кисми Улугбекдан олинган. Йирик хинд олими Савой Жай Синг (1686—1743) хам ўзининг «Зижи Мухаммадшохий» асарини Улугбек «Зиж»ининг катта таъсири остида ёзган.
«Зиж»нинг гарбий Оврўпо фанига хам таъсири катта бўлди. Умуман олганда гарбий Оврўпо Темур ва унинг фарзандларини, айникса Улугбекни XV асрданок биларди. Али Кушчининг Истамбулдаги фаолияти туфайли Улугбекнинг олимлиги хакидаги хабар хам Оврўпога таркалади.
1638 йили Истамбулга инглиз олими ва шаркшуноси, Оксфорд университетининг профессори Жон Гриве (1602—1652) келади. кайтишида у ўзи билан Улугбек «Зиж»ининг бир нусхасини Англияга олиб кетади. 1648 йили аввал «Зиж»даги 98 юлдузнинг жадвалини чоп этади. Ўша йилнинг ўзида Гриве «Зиж»даги географик жадвални хам нашр этади. 1650 йили эса у «Зиж»нинг биринчи маколасининг лотинча таржимасини нашр этади. Гриве 1652 йили мазкур охирги икки ишни кайта нашр этади. Яна бир инглиз олими ва шаркшуноси Томас Хайд (1636—1703) «Зиж»даги тургун юлдузлар жадвалини 1665 йили форсча ва лотинча-да нашр этади. Шуниси диккатга сазоворки, Хайд Гривснинг ишларидан бутунлай бехабар эди. Демак, «Зиж»нинг нусхалари кандайдир йўллар билан унга хам етиб келган.
Хайднинг нашридан 15 йил кейин поляк олими Ян Гевелий (1611— 1687) Данцигда «Зиж»нинг айрим жадвалларини нашр этади. Бундан кейин XVIII ва XIX асрларда катор Оврўпо олимлари «Зиж»нинг айрим кисмларини нашр этадилар. Француз шаркшуноси Л.А. Седийо (1808—1876) «Зиж»нинг тўрттала маколаси олдидаги сўзбошилари ва мукаддимасининг французча таржимасини 1847—1853 йилларда нашр этади. Ва нихоят, XX аср бошларида америкалик олим Э. Б. Нобл «Зиж»нинг Англия кутубхоналарида сакланадиган 28 кўлёзмаси асосида юлдузлар жадвалининг инглизча таржимасини нашр этади (Вашингтон, 1917).
Шундай бўлишига карамай Улугбек «Зиж»и умуман олганда тўлик равишда ўрганилмаган

ва бирор замонавий тилга тўла таржима этилмаган.
1994 йил Улугбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан «Зижи жадиди Гурагоний»нинг биринчи бор тўлигича рус тилига таржимаси босиб чикарилди. Шу йили яна Улугбекнинг «Тарихи арбаъ улус» асари хам узбек тилида Тошкентда нашр этилди.

А. Ахмедов